

**УСТРУШОНА ХУДУДИДАГИ ҚАДИМГИ ДАВР ҚАБРЛАРИ
ҲАҚИДА**

Тугалов Бобур Баходир ўғли.

ЖДПУ Тарих факультети ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада тадқиқотчи томонидан қадимги Уструшона ҳудудида ўрганилган катакомба қабрларнинг пайдо бўлиши ва оммалашиши сабаблари таҳлил қилинган. Бунда айвонли лаҳад, ёрма ва ўра қабрлар билан биргаликда янги қабр типларининг ҳам учраши, улар антик ва илк ўрта асрлардаги миграция жараёнлари билан боғлиқ бўлганлиги, шунингдек, мазкур жараён қадимги аҳолининг маънавий - диний ва ижтимоий - сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатганлиги каби масалалар минтақада ўрганилган бошқа ёдгорликлар қиёсий таҳлили асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: Уструшона, Сағоноқ, Ширинсой, Фулбо, Кўрна, Учтепа, катакомба, дромос, айвонли лаҳад, ёрма, Қуйимозор, Кугай-Қорабулоқ, Кенгкўл, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, сармат, юечжи, хун.

Марказий Осиё халқларининг босиб ўтган узоқ йиллик тарихий ўтмиши ниҳоятда хилма хил бўлиб, унинг асосий қисмини ўтроқ деҳқон ва кўчманчи чорвадорлар маданияти ташкил этади. Бугунги кунда Марказий Осиё ҳудудидаги илк инсоният манзилгоҳлари минтақада истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолининг аجدодларига мансуб эканлиги, уларни биргаликда тадқиқ этиш масаласи кун тартибига чиқмоқда. Шу жумладан, Ўрта Осиёнинг учта республикаси Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ҳудудида жойлашган Уструшона тарихини тадқиқ этиш ҳам Ватан тарихини ўрганишимизда долзарб масалалардан биридир.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Шимолий-ғарбий Уструшонадаги чорвадорларга оид мазоркўрғонларда тадқиқотчи

олимларимиз томонидан салмоқли қидирув ва казув ишлари ўтказилиб, антик ва илк ўрта асрларга оид кўплаб мазоркўрғонлар аниқланди. Жумладан, Гулбо, Кўрпа, Қамиш, Беккелди, Қоратепа мазоркўрғонлари очиб ўрганилди. Қоратош I, II, Хўжаи Сероб мазоркўрғонлари маълумотлар илк бор муомалага киритилди[10]. Ширинсой, Сағоноқ, Учтепа мазоркўрғонларида ўрганилган материаллар илмий таҳлил қилинди. Уларда ўрганилган қабрлар катакомба, айвонли лаҳад, ёрма ва ўра гўрлардан иборат эканлиги аниқланди[12].

Мазкур атамалар яқин-яқингача археологик манбаларда қўлланиб келинган русча сўзлар бўлиб уларнинг ўзбекча аталишини тарих фанлари доктори Б.Матбобоев қуйидагича изоҳлайди: грунтовое погребение (иногда ямное)-гўр ёки ўра гўр, подбойное погребение-ёрма гўр, катакомбное захоронение-лаҳадли гўр[5].

Бироқ, сўнгги йилларда олиб борилган изланишлар Марказий Осиё қадим аҳолиси, шу жумладан Уструшопада ҳам биз таъкидлаётган уч хил кўринишдаги гўрлар эмас, балки тўрт хил: катакомба, айвонли лаҳад (подбойное погребение), ёрма (впускная яма) ва ўра гўр (ямное погребение) кўринишида бўлганлигини кўрсатмоқда[12].

Дарҳақиқат, Уструшопадаги антик давр мазоркўрғонларининг асосий қисмини катакомба қабрлар ташкил қилади. Биринчи навбатда уларда лаҳадни дромосга нисбатан ҳолати, узунлиги, йўналиши ва лаҳадни қайси томонда бўлишига эътибор қаратилган. Иккинчидан эса дромосдан лаҳадга ўтиш йўлининг ўлчами, зиналими ёки дромосдан лаҳадга ўтиш йўлининг тўсилиши (тупроқ, гувала, тош ва ҳк.лар) қандай кўринишда эканлигига қараб улар 12 дан ортиқ турда эканлиги тасдиғини топган[3].

Уструшопада ўрганилган мазоркўрғонлар конструкцияси ва дафн анъаналарида турли хил кўринишлар қайд этилган. Қабрларнинг турли хилда бўлишига сабаб, антик даврда Ўрта Осиё ҳудудларига Евроосиё даштларидан кўплаб кўчманчи қабилалар кириб келган. Бундай фикрга келишимизнинг сабаби шуки, ўрганилган материалларда шу даврда кириб келган сармат,

юечжи, хун, усун ва бошқа қабилалар моддий ва маънавий маданиятига ўхшаш хусусиятлар кузатилади. Бу ҳолат Евроосиё даштларидан Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларига томон силжиган кўчманчиларнинг Ўрта Сирдарё бўйи ва Уструшона орқали ўтганлиги ҳамда минтақанинг кўчманчилар дашти билан деҳқончилик воҳаларини боғловчи –контакт ҳудуд бўлганлиги билан изоҳланади[11].

Уструшона (Ғулбо, Ширинсой ва Сағаноқ) мазорқўрғонларини икки типга ажратиш мумкин. Биринчиси, ғарбдан келувчи дромос перпендикуляр тарзда шимол жануб йўналишида жойлашган лаҳадга келиб туташадиган қабрлар. Улар Сағаноқ ва Ғулбо мазорқўрғонларида ўрганилган. Иккинчи хили эса дромоснинг жанубдан шимолга қазилиб, шарқ-ғарб йўналишида қабр лаҳадига перпендикуляр тарзда келиб туташидан ҳосил бўлган қабрлар. Бу кўринишдаги катакомба қабрлар Жиззах яқинидаги Учтепа ва Ғулбо мазорқўрғонларида ўрганилган[9].

Бу каби дромоси жанубдан шимолга қараб ясалган ва унинг шимолида шарқ-ғарб йўналишида перпендикуляр тарздаги лаҳади бўлган қабрлар Тошкент вилоятидаги Вревский ва Фарғона водийсидаги Кугай-Қорабулоқ маданиятига мансуб мазорқўрғонларда ҳам кузатилган. Ҳар иккаласида ҳам дромос лаҳадга томон қиялаб, пасайиб келиб туташган. Вревский мазорқўрғонидаги марҳумнинг дафн этилиш ҳолати (боши шарқда), Ғулбо 4-мазорқўрғонидаги ҳолатга жуда ўхшаш. Б.А. Литвинскийнинг ёзишича, Фарғона водийсидаги катакомба қабрларда ”Айвоннинг эни лаҳад узунлигидан 3 баробар (мос равишда 0,95 ва 2, 97 м) тор. Бундай катакомба қабрлар одатда “Т” ҳарфи кўринишида бўлади”[4]. Уструшонадаги дромос (айвон)ли қабрларда унинг анча тор бўлиши кузатилади. Ўрта Осиё учун ўзига хос бўлган бундай қабрлар районлаштирилган[8]. Улардан биринчиси Фарғона, Тошкент, Жанубий Туркманистон, Бухоро ва Талос водийларида ёйилган. Уструшонадаги катакомба қабрларни ҳам ана шу биринчи гуруҳга киритишимиз мумкин.

Дафн иншоатларини бу тарзда гуруҳларга ажратиш уларни таснифлашда анча енгиллик беради ва тасаввуримизни кенгайтиради. Бироқ қабр тузилишлари Ўрта Осиёнинг турли худудларида ягона қонуниятга эга бўлмай ўзига хос кўринишларга эга бўлган. Масалан, Б.А. Литвинскийнинг ёзишича, “Ворух мазорқўрғонларидаги кўплаб лаҳадли қабрларда дромос катта эмас, уларнинг узунлиги кўпинча 1,5-3 м, баъзан 4 м гача боради... катакомба қабрларда дромос лаҳадга перпендикуляр бўлиб, унинг кўндаланг ён томонидан симметрик равишда келиб туташган бўлади”[4]. Шимолий Бактриядаги дафн иншоатлари тўрт гуруҳга бўлиниб, уларнинг кўпчилигини кўчманчиларга мансуб катакомба қабрлар (Тулхар, Арактау, Бабашов ва бошқа) ташкил этади[6]. Бу минтақада ўрганилган қабрлар конструкцияси ва дафн удумларида Уструшона катакомба қабрларидагига ўхшаш (моддий манбалар, марҳумларни ёқиш ва ҳ...) ҳолатлар кўп.

Шундай қилиб, бронза даврига келиб айвонли лаҳад қабрлар дафн маросимларида асосий типни ташкил этган. Улар Замонбобо, Сополли, Сумбар, Бешкент ва Вахш ёдгорликларида кузатилади. Ўрта Осиёда марҳумларни айвонли лаҳад қабрларга дафн этиш, сўнгги бронза, темир даври, антик ва илк ўрта асрлардан иборат анча узоқ ва қатъий тараққиётга эга[1]. Бироқ, Ўрта Осиёда илк темир даврдан биринчи минг йилликнинг сўнгги чорагигача айвонли лаҳад кўринишдаги қабрлар камайганлиги сезилади. Антик даврдан бошлаб эса, қабр тузилишида катакомба шаклдаги қабрлар оммалашиб борган. Шу билан бир қаторда, моддий манбаларда кучли сифат ўзгаришлари кузатилиб, маънавий ҳаётда ҳам янгича анъаналар пайдо бўла бошлаган. Антик даврда кечган бу каби ўзгаришлар тарихчи археологларни қарийб 250 йилдан буён қизиқтириб келади.

Мил. авв. I минг йилликнинг сўнгги чорагидан бошлаб Ўрта Осиёда кўплаб учрайдиган катакомба қабрларнинг кенг ёйилишини олимлар турлича изоҳлайдилар. Мазкур ҳолат бўйича қатор илмий фикрларга кўра, бу қабрлар совраматлар, прохоровск-сарматлари, шимолий хунлар, юечжилар, усунлар билан боғлиқ дейилади. Жумладан, С.С.Сорокин катакомба қабрларнинг

Ўрта Осиёда кенг ёйилиши хунлар билан боғлиқлигига “ўта нотўғри ва тарихий жараёнга мос келмайди” деган кескин фикрларини билдириб, қабрларни катакомба шаклини Ўрта Осиё туб жой аҳолиси учун хослигини таъкидлайди[7]. Аммо, у қабрлар тузилишидаги айвонли лаҳад шаклини қатор бошқа археологлар қаторида катакомба қабрлар сифатида аралаш талқин этиб, кўп хатоликка йўл қўйган[11]. Афсуски, айвонли лаҳад қабрлар билан катакомба қабрларни аралаш талқин этиш борасидаги тушунмовчилик Россия археологлари орасида ҳозиргача давом этмоқда.

Б.А. Литвинскийнинг тадқиқотларига кўра, катакомба қабрлар маҳаллий илдизларга эга, улар хунлар ёки юэчжиларни Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқ эмас, балки сарматлар билан моддий, маданий алоқалар натижасида тез оммалашган[4].

А.Н.Бернштам Етгисув ва Фарғонада катакомба кўринишидаги қабрларининг пайдо бўлишини шимолий хунлар билан, К. Йетмар эса ғарбий қабилалар, яъни сарматлар билан боғлиқ деган фикрларни билдирган[2].

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Уструшона мозоркўрғонларининг тузилишида кўшни Суғд худудида ўрганилган қабрлар билан ўхшашлик кузатилади. Суғд мозоркўрғонларининг вужудга келишини таҳлил қилган О.В. Обельченко, уларни фақатгина Орол бўйи, Қуйи Сирдарё ва Қизилқум орқали Суғдга томон силжиган сарматлар билан боғлайди. Бироқ, бу қабрларнинг пайдо бўлишини синчиклаб таҳлил қилиш икки хил таъсири кўрсатмоқда. Улардан биринчисида: Ўрта Сирдарё бўйи ва Уструшона худуди орқали жанубга силжиган юечжи, усун ва хун қабилаларининг таъсири. Бу ҳолат Зарафшоннинг ўрта қисмидаги Сазағон, Миронкул ва Оқжартепа каби мозоркўрғонларнинг моддий маданият намуналарида айниқса кўп кузатилади. Иккинчи ҳолат эса, Зарафшоннинг қуйи қисмига чорвадорлар (сарматлар) ни Қуйи Сирдарё орқали кириб келишидир. Ўрганилган манбала Қовунчи (Сирдарё бўйи) маданиятини бу даврда Ўрта Осиё бўйича устувор бўлганлигини кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилган тадқиқотлар қадимги

Уструшона мазоркўрғонлари қабр тузилишидаги ўзгаришлар ҳудудга антик ва илк ўрта асрларда янги (сармат, юечжи, хун, усун каби) этник гуруҳлар ва улар билан янги қабр тузилишлари ҳамда дафн одатларининг кириб келганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида янги қабрларнинг кенг оммалашига сабаб бўлган. Бизнингча, мазкур кўринишдаги қабрларнинг кенг ёйилишига ўша давр кишиларининг нариги дунё ҳақидаги тасаввурлари ва диний тушунчаларининг кенгайиб боришидир. Ўша давр кишиларининг тасаввурича, марҳумни ҳурматлаб, нариги дунёда кузатиш ва унинг “ўликлар мамлакати”да яхши яшаши учун барча қулайликлар яратилиши зарур эди. Бунда марҳум ёнига қўйилаётган озиқ-овқат ва буюмлар қабрнинг лаҳад қисмига бемалол жойлашар ва ўтказилаётган маросимлар ҳам тўла-тўқис бажарилар эди. Марказий Осиёда шу пайтгача кам учрайдиган катакомба ва тош даҳма қабрларнинг антик ва илк ўрта асрларда кенг ёйилиши эса, ҳудудда миграция жараёнлари билан боғлиқ мураккаб ижтимоий-сиёсий ва этник жараёнлар содир бўлганлигининг яққол далилидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Б. Могильник Джаркутан // ИМКУ. №15. Ташкент, 1979.
2. Бернштам А.Н. Чуйская долина // МИА. Москва-Ленинград, 1950.
3. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины I- тысячелетия н.э. // АСГЭ. Вып.22. Ленинград, 1984.
4. Литвинский Б.А. Курганы и Курумы западной Ферганы (Раскопки погребальный обряд в свете этнографии). Москва, 1972.
5. Матбобоев Б.Х.. Шимолий Фарғонанинг қадимги мазорларини ўрганишга доир (Ғовасой ва Косонсой ҳавзалари) // ОНУ-Тошкент.1993. №6.
6. Мусакаева А.А., Богомоллов Г.И., Миносянц В.С., Гендельман П.И. Из истории погребальной обрядности Кушанской Бактрии: наусы старого Термеза // ИМКУ № 36. Ташкент, 2008.
7. Сорокин С.С. Средне Азиатские подбойные-катакомбные захоронения как памятники местной культуры //СА. Вып.26. М.: 1954.
8. Сорокин С.С. Средне Азиатские подбойные-катакомбные захоронения

как памятники местных культуры. // СА. Вып. 26. Москва, 1956.

9. Тошбоев Ф.Э., Пардаев М.Х., Грицина А.А. Изучение Гульбинского могильника // Культура номадов Центральной Азии. Самарканд: 2008.

10. Toshboyev F.E. Ustrushona chorvadorlarining antik davrdagi madaniyati. T.: "TAFAKKUR QANOTI", 2014.

11. Тошбоев Ф.Э. Уструшона мазоркўрғонлари конструкцияси ва уларнинг шаклланиши // Ўзбекистон археологияси. №1 (18) Т.: 2019.

12. Тошбоев Ф.Э. Қадимги Уструшона чорвадорлари маданияти (археологик манбалар асосида). Т.: "FAN VA TA'LIM". 2022.